

«СТАСДИКЛАЙМАН»
Термиз тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Бошқиси Р.Ю.Кулназаров



» 08 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Термиз тумани-2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нарх қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Термиз тумани “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бажариш.
- 1.2. Танлов қиймати – **237068,594 (Икки юз ўттиз етти миллион олтмиш саккиз минг беш юз тўқсон тўрт) сўм** қўшимча қиймат солиғи ҳисобланган ҳолда (с учета НДС). Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган ишлар бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб **25 кун** муддатда.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмундаги иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисида маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

Молиявий натижалар

Ишчи ҳодимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

2.3. Агар танлов предметида бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолиятни қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок

этиш учун белгиланган тартибда тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

2.4.Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар;

3.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

3.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (**etender.uzex.uz**) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.

3.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

3.3.Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, «Буюртмачи» томонидан қўйилган техник талабларни, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари таклифларнинг ҳар бир варағини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

3.4.Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш ҳужжатлар, рўйхатлар илова қилинади);

3.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

4.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

4.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини яна 5 календар кунига узайтириши мумкин.

4.2.Таклифлар муддатининг узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

4.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2.**Харид комиссияси**-давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

5.3.**Танлов иштирокчиси**-тақдим этилган барча ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг, қонунчиликда

белгиланган тартибда давлат буюртмачиси Билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. **Давлат буюртмачиси-танлов** хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда Ушбу танловда таклифлар бериши тугайдиган муддат, танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу Билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. **Танлов иштирокчиси-танлов** хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Термиз туман Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи И.И.И.И. Р.Ю.Кулназаров

08 2022 йил



ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Термиз тумани “Янгиҳаёт” маҳалласи худудида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари сифатли бажарилиши шарт.
2. Қурилиш ишларида ишлатиладиган материаллар сифатли бўлиши шарт.
3. Иш бажарувчининг малакали ишчи-ҳодимларининг иш стажи камида 3 йилдан кам бўлмаслиги, иш тажрибага эга бўлиши шарт.
4. Иш бажарувчининг ишчи-ҳодимлари камида 5 кишидан кам бўлмаслиги шарт.

Бажариладиган иш турлари	Суммаси
Затраты на строительные материалы, изделия и конструкции	133135,89
Затраты на заработную плату с учетом начислений на соц. страхование	27461,356
Затраты на эксплуатацию машин и механизмов	5821,400
Затраты на оборудование	4690,000
Итого по прямым затратам	171008,646
Прочие затраты подрядчика 17,54 %	29189,831
Итого стоимость работ без НДС	200198,477
НДС 15 %	30029,772
Итого	230228,249
Прочие затраты заказчика	6840,346
Всего стоимость работ с НДС	237068,594